

**ТАРИХ ДАРСЛАРИДА АТАМАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА «ТУШУНЧАЛАР
ТАҲЛИЛИ» МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

Ганиев Темирбай Султанбаевич

*катта ўқитувчи, Қорақалпоғистон Республикаси педагогларни янги
методикаларга ўргатиш миллий маркази*

Аннотация: Ушбу мақолада Тарих дарсларида атамалар билан ишлашда «Тушунчалар таҳлили» методидан фойдаланиш усуллари кўриб ўтилган ва уларнинг афзалликлари тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается приемы использования метода «Анализ понятий» в работе с терминами на уроках истории и делаются выводы о ее преимуществах.

Калит сўзлар: Таълим тизими. Ислоҳот. Тарих дарслари. Педагогик креативлик. Тарихий атамалар. Тушунчалар таҳлили. Иллюстрация.

Ключевые слова: Образовательная система. Реформа. Уроки истории. Педагогическое креативность. Исторические термины. Анализ понятий. Иллюстрация.

Бугунги замонавий жамиятда инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бири – таълим тизими ҳисобланади. Шунки, сўнгги йилларда таълимнинг ижтимоий мавқеи ошиб, жаҳоннинг кўпчилик давлатларида таълимнинг барча турларига бўлган қарашлар ўзгарди. Таълим давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг устувор, етакчи омили сифатида қаралмоқда. Ушбу ҳолат бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган. “Таълим тўғрисида” ги Қонунда таълим олувчига таълим олиш турини танлаш эркинлиги, таълим олишдаги тенглик, узлуксизлик ва узвуйлик, бутун ҳаёт давомида ўқиш ва бошқа да қатор имкониятлар таълим олиш тамойилларида белгилаб берилган[1]. Шундай экан, ҳозирги кунда таълим тизими шахс ва жамиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Энг катта бойлик-бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик-бу билимсизлик ҳисобланади» деган фикрлари бугунги кунда нафақат педагогларни, ота-оналарни, бутун жамият аъзоларини чуқур ўйландириши зарур [2].

Ўқувчилар онгида тарихий билимларни шакллантиришда бугунги кунда таълим тизимига кенг жорий қилинган ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгаллиги илмий-методик адабиётларда қайд этилган [3.160-161]. Бунга асосий сабаб, тарих дарсларида қўлланилаётган методлар ўқувчиларнинг ўтилган мавзуларни осон ўзлаштиришига, тарихий

воқеаларга мустақил тарзда ўз муносабатларини билдиришга, воқеалар кетма-кетлигини мантиқий кетма-кетликда тушунишга ва эслаб қолишга, синхрон тарзда даврлар, худудлар, давлатлардаги бўлиб ўтган тарихий воқеаларни таққослаб, чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун асосий курол ва билим манбаи бу дарслик ҳисобланади. Лекин, ушбу дарсликларда берилган маълумотларни ўқувчилар қандай ўзлаштирамоқда, ўқувчиларни қандай қилиб самарали ўқитиш мумкин, берилган маълумотлари қайси усуллар билан етказиб берган мақул ёки тарих дарсларида атамалар билан ишлашда қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади деган саволлар ҳар бир ўқитувчини ўйлантириши табиий ҳол.

Тарих дарсларида биз ҳоҳлаймиз ми, йўқ ми атамалар билан ишлашимиз зарур. Шунки, ҳар бир мавзуда камида 5-6 та атамалар берилади. Ушбу атамаларни эслаб қолиш, унинг маъносини билиш ўқувчиларда қийинчилик тўғдиради. Методларни бир хил услубда фойдаланиш ўқувчиларни зериктириши мумкин. Ўқитувчиларнинг дарс пайтида интерфаол методларни самарали фойдаланишда педагогик креативлик етишмайди. **Педагогик креативлик бу нима? У бизга нима беради? Ўқитувчиларда нима учун креативлик етишмайди? Ўқувчиларда чи? Ушбу саволлар бугунги кунда барча ўқитувчиларимизни ўйландириши зарур деб ҳисоблайман.**

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти ҳисобланади [4].

Шундай экан, биз ушбу мақоламизда тарих дарсларида атамалар билан ишлашда яхши натижа берадиган методларни янгича ёндошув асосида кўриб ўтамиз.

«Тушунчалар таҳлили» методи атамалар билан ишлашда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Методнинг аҳамияти шундан иборатки, ўқувчани бўйича янги мавзу ёки бўлимдаги маълумотларни ўқувчи томонидан эслаб қолиш, мустақил хулоса бериш, шу орқали ўз билимларини баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчига қисқа вақт ичида барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган [5].

«Тушунчалар таҳлили» методидан ўқув соатларнинг ўтилган мавзунини такрорлаш ва янги мавзунинг мустаҳкамлаш босқичларида ўқувчиларнинг билимин аниқлаш мақсадида қўллаш мумкин. Ижодий ёндошган ҳолда методни бир нечта усулларда фойдаланишимизга бўлади. Биринчи усулда намунада келтирилгандай қилиб, ўқувчиларга топшириқ сифатида мавзуда ўрганилган тарихий атамалар берилади. Бунда ўқувчи берилган тарихий атамаларнинг мазмунини ёзиши керак [6].

Намуналар:

Атамалар	Мазмуни
фетишизм	
анимизм	
тотемизм	

Бунда ўқувчилар якка тартибда дафтарларига берилган атамалар мазмунини дарсликдан фойдаланмаган ҳолда ёзишлари талаб қилинади. Ушбу жараёнда ўқувчиларнинг эсда сақлаб қолиш қобилияти кўпроқ ривожланади.

Методни қўллашнинг иккинчи усулида ўқувчига атамалар мазмуни тақдим этилади ва ўқувчиларга атамани топиш топшириқ сифатида берилади.




Атамалар	Мазмуни
	қадимги одамларнинг у ёки бу буюмлар омад келтиришига ёхуд бало-қазони даф қилишига ишониши
	инсонни қуршаб турган муҳитда жонлар ва руҳларнинг мавжудлигига ишониш
	одамлар гуруҳи жамоасининг бирор ҳайвон ёки ўсимлик тури билан қариндошлик алоқасига ишониш

Учинчи усулда ўқувчиларга атамалар ва уларнинг мазмуни жадвалга бири-бирига нотўғри тартибда жойлаштирилади ва ўқувчилар маълумотларни таҳлил қилган ҳолда берилган атамаларни мазмуни билан мослаштиради.

№	Атамалар		Мазмуни
1	анимизм	А	қадимги одамларнинг у ёки бу буюмлар омад келтиришига ёхуд бало-қазони даф қилишига ишониши
2	тотемизм	В	инсонни қуршаб турган муҳитда жонлар ва руҳларнинг мавжудлигига ишониш
3	фетишизм	С	одамлар гуруҳи жамоасининг бирор ҳайвон ёки ўсимлик тури билан қариндошлик алоқасига ишониш

Жавоблари: 1-в, 2-с, 3-а

Тўртинчи усулда ўқувчиларга мавзуга оид атамаларга боғлиқ иллюстрациялардан фойдаланишимиз мумкин. Бунда ўқувчилар берилган иллюстрациялар асосида атамалар ва уларнинг мазмунини топиши лозим.

--	--

Тушунчалар таҳлили методидан ўқитувчилар ртиқча ресурс сарф қилмасдан синф тахтаси ёрдамида фойдаланиш имконияти мавжуд. Ушбу метод самарали фойдаланиш орқали ўқувчиларда тарихий билимларни шакллантириш билан бирга, уларда когнитивлик ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, методларни қўллашда педагогик креативлик эса ўқитувчилар учун дарсларни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни 2020-йил 23-сентябрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь)
3. Тошпўлатов Т, Ғаффоров Я, Тарих ўқитиш методикаси. Т-2010. 9,160-161 бетлар
4. Хохлова Д.А. Педагогика. «Наука, инновация технологии» №2, 2013
5. Ишмухамедов Р.Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар Т-2013
6. Сагдуллаев А.С. Костецкий В. А. Тарих (Қадимги дунё) Т-2022